# Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

2013 йил — Обод турмуш йили

O‘zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2013-YIL 21-MAY, SESHANBA, 62 (8143)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.




**Бахмал туманидаги “Нурдинар” фермер хўжалиги раҳбари, “Шуҳрат” медали соҳиби Рустам Норқулов деҳқончиликда бой тажриба ва билимга эга киши. Шу боис, унга кўплаб боғбон, соҳибкор ва сабзавоткорлар тез-тез мурожаат этиб, маслаҳат сўраб туришади. Рустамжон эса уларга билганларини сидқидилдан ўргатади, йўл-йўриқ кўрсатади.** 2



**“Бешкент пахта тозалаш” ОАЖ қошида қўшимча тармоқ сифатида парваришланган ипак қурти кутилганидан ҳам кўп ҳосил берди. 70 қути қурт уруғидан 4 тонна 200 килограмм қимматбаҳо саноат хомашёси топширишга аҳд қилган жамоа дастлабки куни 500 килограмм пилла топширди...** 3



**Термиз шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган XI халқаро турнир ўтказилди. Аллома бобомиз хотирасига бағишлаб ўтказилган халқаро турнирда Польша, Ироқ, Грузия, Эрон, Туркия, Корея, Греция, Ҳиндистон, Бразилия, Боливия, Конго, Тожикистон, Туркманистон каби 30 га яқин давлатдан 150 нафар полвон иштирок этди.** 4

САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА

## Куннинг муҳим воқеалари

► Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларига “Саломатлик” поезди жўнатилди. “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармаси томонидан тегишли давлат ва жамоат, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширилаётган ушбу лойиҳа доирасида пойтахтимиздан борган малакали врачлар ва маҳаллий шифокорлар, жамғарманинг жойлардаги тиббий-ижтимоий патронаж гуруҳлари мутахассислари ногирон болалар, хотин-қизлар, кўп болали оилалар аъзоларини тиббий кўрикдан ўтказади. Жойлардаги даволаш-профилактика ҳамда бир қатор ижтимоий муассасаларга кийим-кечак, дори-дармон, тиббиёт анжомлари, санитария-гигиена воситалари етказилади.

► **Пойтахтимизда қоракўлчиликни ривожлантириш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда “Ўзбек қоракўли” компаниясининг ҳудудий бирлашмалари ва хўжаликлари, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари иштирок этди. Семинарда мамлакатимизда қоракўлчиликни ривожлантиришнинг назарий ва амалий масалалари муҳокама қилинди.**

► Андижон шаҳрида ўтказилган Ҳудудий саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида вилоятдаги 190 корхона ва якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилган 800 дан зиёд турдаги маҳсулотлар ҳамда кўрсатилаётган хизматлар намойиш этилди. Бундан ташқари, унда Наманган, Фарғона вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган бир қатор ишлаб чиқариш корхоналари ҳам ўз маҳсулотлари билан иштирок этди.

Фарғона вилояти



Аҳмад ҲАМДАМ олган сурат.

ТАРАДДУД

**Олтиариқликлар нафақат бодринг етиштиришда, балки ғаллачиликда ҳам миришкор деҳқондир. Буни уларнинг кейинги йилларда ғалла ҳосилдорлигини ошириб бораётганида ҳам кўриш мумкин. Жумладан, ўтган йили улар ҳар гектар ердан ўртача 64,8 центнердан ҳосил олишганди. “Сожида Жўраева”, “Ҳайрулло Баҳром”, “Нурли обод” каби фермер хўжаликларида эса ҳосилдорлик 96 центнергача етганди.**

# ИШ БОШИДАН ПУХТА БЎЛСА, *самараси катта бўлар*

## ЯҚИНЛАШИБ КЕЛАЁТГАН ЎРИМ-ЙИҒИМ МАВСУМИГА ОЛТИАРИҚЛИК ҒАЛЛАКОРЛАР ПУХТА ТАРАДДУД КЎРИШАЁТИР

– Жорий йилда ҳам бу кўрсаткични янада яхшилашни мақсад қилдик, – дейди туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи Ҳабибулло Нишонов. – Саккиз минг гектар ерда ғалла парваришланди. Йил қарашди. Табиат саховатини аямаяпти. Давлатимизнинг фермерларга қаратаётган эътиборидан руҳланган ғаллакорларимизнинг шижоат билан меҳнат қилгани ўз самарасини бермоқда. Ғаллазорларимизда мўл ҳосил тўпланяпти. Бошоқлар кун сайин тўлишмоқда. Ҳадемай, ўрим-йиғим мавсуми ҳам бошланади. Мавсумга ҳам пухта тараддуд кўрилаётир.

Айни кунларда тумандаги “Нурободагротехсервис” машина трактор паркида дон ўриш комбайнлари мавсумга шай ҳолатга келтириб қўйилди.

– Туманимизда ўттиздан ошиқ ғалла ўриш комбайнлари мавжуд, – дейди “Нурободагротехсервис” машина трактор парки раҳбари Маъмуржон Раҳимов. – Яна қатор техника ва механизмларни мавсумга тайёрлаб қўйдик. Кейинги йилларда ғаллачиликда эришилаётган ютуқлар фермерларнинг иқтисодий имкониятларини янада кенгайтирмоқда. Бу, аввало, хўжаликларнинг техника базаси мустаҳкамланаётганида намоён бўлмоқда. Ўтган йили кўплаб фермерлар янги техникалар сотиб олишди.

Таъкидлаш жоизки, МТПда малакали механизаторлар хизмат қилади. Ўтган йили мавсумда Қосимжон Султонов, Азимжон Мирзаалиев, Шерали Исмоилов, Баҳромжон Ўринов сингари операторлар ўзларига бириктирилган комбайнларни самарали ишлатиб, яхши кўрсаткичларни қўлга киритишди. Жорий йилда эса улар сафига яна икки нафар комбайнчи қўшилади. Қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежини тамомлаётган икки нафар ўқувчи бу ерда амалиёт ўташиб, сўнгра ишда қоладиган бўлишди.

**Маъмур МУСУЛМОНОВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

Қорақалпоғистон Республикаси

# ЯНГИЧА ЁНДАШУВНИНГ ТОТЛИ МЕВАСИ

**Нукус туманида боғлардаги мевали дарахтлар тагини юмшатиш, ораларига сабзавот-полиз экинларини экиш ишлари қизғин олиб борилмоқда. Шунингдек, кам ҳосилли дарахтлар ўрнига серҳосил мевали дарахтлар навларини экиш бўйича ҳам бир қатор ишлар амалга оширилаётир.**



— Жорий йил 35 гектар майдонда янги боғ барпо қилиш учун ер майдонлари ажратилган, — дейди Нукус тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимининг деҳқончилик масалалари бўйича мутахассиси Оралбой Матиев. — Янги боғнинг 20 гектар майдонида “Тақиркўл дарбент” агрофирмаси иш олиб боряпти. Бу ерда 15 гектарли узумзор қилиш мўлжалланмоқда. Бунинг учун эрта баҳордан бошлаб ер майдонларига маҳаллий ўғит чиқариш, экишга тайёрлаш ишлари бошлаб юборилганди ва айни кунларда режа асосида давом эттирилаётир.

Туманда 481,7 минг туп мевали ва манзарали дарахтларнинг кўчатларини ўтқазиш режалаштирилганди ва шунга мувофиқ барча ишлар ўз вақтида амалга оширилди. Янги боғларни барпо қилиш учун Фарғонадан 25 минг туп мевали кўчатлар олиб келинди. Шундан 13 минг тупи “Тақиркўл ўрнак” агрофирмаси билан ҳамкорлик қилувчи фермер хўжаликлари ҳамда оилаларнинг томорқа ерларига экилди.

Мевали дарахт кўчатларининг 1570 тупини корхоналар, ташкилотлар, таълим-тарбия муссасалари, 500 тупини “Қурбонниязов Шарипбой” фермер хўжалиги, 550 тупини коллежлар, 330 тупини эса телефон-алоқа корхонаси ходимлари экиб, бошқаларга ўрнак бўлишди.

Шунингдек, фермер хўжаликлари ва корхоналар, ташкилотлар жамоалари томонидан 355 минг тупдан ортиқ манзарали дарахт кўчатлари экилди. Туман аҳли Обод турмуш йилининг баҳорида юртимизни янада обод ва кўркам қилишга ўз ҳиссаларини қўшиб, 497 минг туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экди.

Яқинда Тақиркўл овул фуқаролар йиғини ҳудудидаги “Тақиркўл ўрнак” агрофирмасида сиғими 80 тонналик маҳсулотларни сақловчи совуткич қуриб битказилди. Эндиликда туман боғбонлари халқимизга сифатли меваларни фақат пишиқчилик даврида эмас, балки йил давомида етказиб бериш имкониятига эга бўлади.

**Файратжон ОТАЖОНОВ**

# ЧЕТ ТИЛЛАРНИ ЎРГАТИШ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА

**Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган матбуот анжуманида якунига етаётган 2012-2013 ўқув йили давомида халқ таълими тизимида амалга оширилган ишлар, уларнинг натижалари ҳамда истиқболдаги вазифалар хусусида сўз борди.**

Халқ таълими вазирлиги, тизимдаги республика ташкилотлари мутасаддилари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган матбуот анжуманида учта асосий масала — таълим-тарбия самарадорлигини ошириш, уни янги сифат босқичига кўтариш, ўқувчилар ўртасида маънавий-маърифий ишлар таъсирчанлигини ошириш ҳамда Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида батафсил маълумот берилди. Тадбирда Президентимиз раҳнамолигида таълим-тарбия жараёнини замонавий талаблар асосида ташкил этиш учун барча шарт-шароитлар яратилаётганлиги, бунга жавобан соҳада меҳнат қилаётган барча ходимларнинг ўз зиммасидаги ишга виждонан ёндашиши кўзланган мақсадларга эришишда муҳим аҳамият касб этиши алоҳида таъкидлаб ўтилди. Бугунги кунда жойларда олиб борилаётган ишларнинг асосий мазмуни ҳам айнан шунга қаратилган.

Республикамизда таълим сифатини ошириш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, ўқитувчилар, ўқувчилар ўртасида ўтказилаётган бир қатор танловлар, билимлар беллашуви каби тадбирлар нафақат энг илғорларни кашф этиш, балки маълум маънода мавжуд муаммоларни аниқлаш, уларни ҳал этишнинг самарали йўлларини белгилаш имконини бермоқда.

Албатта, мамлакатимизда ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар қалбида ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш мақсадида таълим-тарбия жараёнига бир-бирини тақозо этувчи, тўлдирувчи омил сифатида ёндашилмоқда. Халқ таълими вазирлиги томонидан ишлаб чиқилиб, барча таълим муассасаларига жорий этилган “Умумий ўрта таълим мактаб ўқитувчи ва ўқувчиларининг одоб-ахлоқ қоидалари” ушбу йўналишда олиб борилаётган ишлар самарадорлигини, таъсирчанлигини таъминлашга хизмат қилади.



ЎзА сурати.

Анжуманда Президентимизнинг “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ижросини таъминлашга қаратилган, жумладан, яратилган ўқув-методик манбалар, хорижий тил кабинетларини жиҳозлаш, фан ўқитувчиларининг малакасини ошириш, қайта тайёрлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар, олдинда турган муҳим вазифалар хусусида кенг маълумот берилди.

Матбуот анжуманида оммавий ахборот воситалари ходимлари ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олдилар.

**Аҳмаджон РИХСИБОЕВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

**Ёғ-мой ишлаб чиқариш соҳаси Ўзбекистон озиқ-овқат саноатида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Мамлакатимиз агросаноат комплексида интеграция жараёнларини такомиллаштириш ва чуқурлаштиришга ижобий таъсир кўрсатаётган ушбу тармоқ маҳсулот сифатини ошириш ва турларини кенгайтириш, хомашёдан тўлиқ ҳамда самарали фойдаланиш, аҳоли эҳтиёжи ва бандлигини таъминлаш масалаларини ҳал этишда ҳам муҳим аҳамиятга эга.**

# КУНГАБОҚАР ЁҒИ ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛМОҚДА

Ёғ-мой маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш мойли ўсимликларнинг юқори ҳосил бериши, корхоналар қуриш ва мавжудларини реконструкция қилиш, ички бозорда уларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга талабнинг ошиши билан бевосита боғлиқдир. Тармоқда фаолият кўрсатаётган 39 корхона орасида пахта ва кунгабоқар ёғи, маргарин, майонез, хўжалик ҳамда атирсовун ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи кичик корхоналар ҳам бор. 2013 йилнинг биринчи чораги бўйича ушбу корхоналар томонидан 64,93 минг тоннадан зиёд ўсимлик ёғи, 11,2 минг тонна маргарин маҳсулоти, 15,16 минг тонна хўжалик совуни ишлаб чиқарилди.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг катта ҳажми «Урганч ёғ», «Тошкент ёғ-мой комбинати», «Қарши ёғ экстракция», «Косон ёғ экстракция», «Учқўрғон ёғ», «Фарғона ёғ-мой» очиқ акциядорлик жамиятлари ва бошқа корхоналар улушига тўғри келмоқда. Уларнинг барчаси Президентимиз Ислом Каримовнинг 2011 йил 31 октябрда қабул қилинган «2012-2015 йилларда республика озиқ-овқат саноатини ривожлантиришни ва бошқарувини ташкиллаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ тузилган Ўзбекистон озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси таркибига киради.

Мазкур уюшмадан маълум қилишларича, илгари тармоқ корхоналари асосий эътиборни пахта ёғи ишлаб чиқаришга қаратган бўлса, бугун кунгабоқар, соя, махсар ёғлари ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтирмоқда. Шу муносабат билан кунгабоқар ва бошқа мойли ўсимликлар етиштириладиган экин майдонларини кенгайтириш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

Тошкент Вилояти

ФАРМОН ВА ИЖРО

# ФЕРМЕРЛАР КЕНГАШИ: НАЗОРАТ ВА АМАЛИЙ КЎМАК УЙҒУНЛИГИ

**Президентимизнинг "Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони асосида жойларда ташкил этилган фермерлар кенгашларининг фермерлар фаолиятини назоратга олиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдаги мавқеи тобора ортиб бормоқда. Бу борада Тошкент вилоятида ҳам қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ўтган даврда юқоридаги ҳужжат асосида вилоятнинг барча туманларида фермерлар кенгашлари тўлиқ шакллантирилиб, улар алоҳида бино, транспорт воситалари, компьютер ва бошқа зарур жиҳозлар билан таъминланди. Фермерлар кенгаши фаолиятини изчил йўлга қўйиш ҳамда кўп тармоқли фермер хўжаликларини ташкил этиш масалаларига бағишланган йиғилишлар ўтказилиб, Фармонда белгиланган муҳим ва устувор вазифалар атрофлича муҳокама қилинди.**

– Ушбу йўналишда биз дастлабки ишни, аввало, туманларда фермер хўжаликлари иштирокида Фармоннинг мазмун-моҳияти ва мақсадини таҳлил этишга бағишланган учрашувлар ўтказиш, фермер хўжаликларининг сўнгги уч йиллик фаолиятини атрофлича ўрганиб чиқиш ҳамда уларнинг шартнома мажбуриятларига бўлган муносабатларига баҳо беришдан бошладик, – дейди вилоят фермерлар кенгаши раиси Тўлқин Тўраев. – Барча туман кенгашларининг 2013 йил учун иш режалари тузилиб, тасдиқланди. Шунингдек, "Кўп тармоқли фермер хўжаликларини ташкил қилиш бўйича чора-тадбирлар" Дастури ишлаб чиқилди. Эндиликда барча вазифалар шу дастурда белгиланган тартибда амалга оширилмоқда. Катта тажрибага эга бўлган мутахассислар ҳамда кенгаш аъзолари ҳудудларга бириктирилди. Ҳар бир фермер хўжалигининг мавжуд шароити асосида агротехник тадбирлар белгиланиб, уларнинг кундалик ижроси назоратга олинган.

Дарвоқе, бу борадаги кўрилаётган чора-тадбирлар яхши самара бермоқда. Вилоят ва туманларда тузилган ишчи гуруҳлари таркибига кенгаш аъзолари ҳам киритилган бўлиб, далаларда амалга оширилаётган барча тадбирлар, хусусан, ҳандақ қазиш, маҳаллий ўғит чиқариш, ғалла майдонлари атрофини пайҳонга қарши четан билан ўраш, экинларни озиқлантириш, ариқ ва зовурларни тозалаш, ғалла ва ғўза парваришидан тортиб боғ ва токзорлардаги ишловгача кенгашлар назорати остида давом этмоқда.

Шу билан бир қаторда деҳқон бозорларида нарх-навони пасайтириш ва барқарорлаштириш учун соғлом рақобатни юзага келтириш мақсадида туманларда кенгаш бозорларини ташкил этишга ҳам асос солинмоқда. Яқинда Зангиота тумани ҳокимлиги билан келишиб, 50 сотих майдонда ана шундай Фермерлар кенгаши бозорини қуришга киришилди. Ушбу мажмуада келажакда туман фермерлари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар арзон нархларда аҳолига тортиқ қилинади.

Кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш дастурига асосан жорий йилда вилоятдаги 2196 та фермер хўжаликларида кўплаб янги иш ўринларини очиш белгиланган. Ишга асосан касб-ҳунар коллежларини битираётган ёшлар қабул қилинади.

Президентимизнинг халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги "Бугунги кунда деҳқоннинг косасини оқартирадиган, бу — фермерлик ҳаракати эканини ҳаммамиз яхши тушуниб олдик, деб ўйлайман. Биз шу йўлга ўтдикми, энди фермерларимиз учун янада кенг йўл очиб беришимиз керак", деган сўзлари вилоят фермерларини руҳлантириб, уларни янги-янги марралар сари дадил интилишга даъват этмоқда. Шу мақсадда фермерлик ҳаракатини тубдан ривожлантириш, фермерлар масъулиятини ошириш, уларнинг ҳуқуқий, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий малакаларини кучайтириш ҳамда манфаатлари устуворлигини таъминлашга кенгашлар томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада вилоят Фермерлар кенгаши ҳуқуқий масалалар секторининг саъй-ҳаракатлари ибратли бўлмоқда.

Ўтган даврда ушбу ҳуқуқий масалалар сектори ташаббуси билан давлатимиз раҳбарининг юқоридаги Фармони ижроси юзасидан барча туман ҳокимликлари ҳузурида тузилган "Туманда ер участкаларини қишлоқ ва ноқишлоқ хўжалиги мақсадлари учун танлаш ва ажратиш" бўйича доимий ишловчи комиссия таркибига туман Фермерлар кенгаши раисларини ҳам киритишга эришилди. Айни вақтда ўтган йили пахта ва ғалла бўйича контрактация шартномаларини бажармаган фермер хўжаликларининг келгусида бунга йўл қўймаслиги ҳамда шартномалар барбод бўлишининг олдини олиш юзасидан барча туман кенгашларида тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ижроси назоратга олинди. Супер элита, элита ва бошқа репродукцияли уруғлик ғалла ва пахта етиштириш ҳуқуқига эга бўлиш учун фермер хўжаликлари ўртасида танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомга жойларда сўзсиз риоя этилишини назоратга олиш мақсадида вилоят "Ўздавуруғназорат" ва вилоят "Ғўза уруғчилиги" бирлашмаларига алоқа хатлари киритилди. Фермер хўжаликлари раҳбарларининг ҳуқуқий масалалар бўйича фермерлар кенгашига қилаётган ариза ва мурожаатларига эътибор кучайтирилиб, уларни қонуний ҳал этиш чоралари кўрилмоқда.

Масалан, Оққўрғон туманидаги "Эргаш Саиджаҳон" фермер хўжалиги билан "Тошкентдонмаҳсулотлари" ОАЖ ўртасида 2011 йилда тузилган контрактация шартномалари корхона томонидан бажарилмагани, яъни жамият фермер хўжалигидан 10 миллион сўмга яқин қарз эканлиги аниқланди ва қарзни зудлик билан тўлаш шартлиги ёзма равишда тушунтирилди. Натижада жамият фермер хўжалиги ҳисобрақамига қарз суммасини ўтказиб берди. Ёки яна бир қишлоқ мулкдори — Зангиота туманидаги "Ашраф ота" фермер хўжалиги раҳбарининг ўзи қурган икки қаватли савдо дўконига эгалик ҳуқуқини ололмаётгани хусусидаги аризасини қонуний ҳал этиш учун вилоят ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизматига ҳамда туман ҳокимига кенгаш номидан ёзма сўров хати киритилди. Бу ҳақда туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизматига ҳам тегишли кўрсатма берилди. Ҳозирги вақтда "Ашраф ота" фермер хўжалигининг мулкка эгалик ҳуқуқини берувчи ҳужжатлари расмийлаштирилмоқда.

— Бугунги кунга қадар фермер хўжаликларининг жойлардаги тайёрлов, таъминловчи ва хизмат кўрсатувчи корхона ҳамда ташкилотлардан мавжуд ҳақларини ундириб бериш учун кенгаш томонидан вилоят хўжалик судига фармон асосида давлат божи тўламай 237 миллион 637 минг 748 сўмлик 17 та даъво аризаси киритилди, — дейди вилоят Фермерлар кенгашининг ҳуқуқий масалалар бўйича бош мутахассиси Қаҳрамон Абсаев. — Умуман олганда фермер хўжаликларининг корхона ва ташкилотлардан жами 2 миллиард 239 миллион сўмдан зиёд асосий ҳақлари ҳамда унга ҳисобланган пенялар юзасидан қарздор корхона ва ташкилотларга талабномалар киритилиб, ундириб бериш чоралари кўрилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, вилоят ва туман кенгашлари ўтган қисқа даврда 300 дан зиёд фермерга турли муаммолари юзасидан ҳуқуқий ёрдам кўрсатганлиги Фармоннинг қишлоқ мулкдорлари ҳаётида нечоғли юксак аҳамият касб этаётганидан далолатдир. Яқинда яна бир хайрли иш бошланди. Вилоят фермерлар кенгаши вилоятдаги барча фермерларга мурожаат билан чиқди. Чигит экилган майдонларнинг четларига ва уватларга сабзавот ва полиз экинлари экиб, улардан мўл ҳосил олишга, дала шийпонларида ишчиларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан муттасил таъминлаш мақсадида камида 100 бошдан парранда, 2 бошдан сигир ва 5 қутидан асалари оиласини боқишни ташкил этишга даъват этилган. Ушбу мурожаатга жавобан вилоятдаги ҳар бир фермер хўжалиги жорий йил учун "Деҳқончилик мажбуриятлари"ни қабул қилмоқда. Фермерлар кенгашлари эса мазкур мажбуриятлар ижросини назорат қилиб боришни ўз зиммаларига олишган.

**Иброҳим ТОШЕВ,**
**Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ.**

МУТАХАССИС МИНБАРИ

**Пахтачиликда мўл ҳосил етиштиришнинг ҳал қилувчи омили ҳар бир тадбирни маромида ва меъёрида амалга оширишдир. Шу кунларда пахтакорларимиз ғўза яганасини ниҳоясига етказишмоқда. Яганалашда соғлом ва йирик кўчатларни якка қолдириш, нимжонларини олиб ташлаш лозим. Тадбирни ўтказишда пайкалларнинг четлари ва этаклари, ўқариқларга ҳам алоҳида эътибор қаратиш зарур. Чигит тушмай қолган бўлса, экиш лозим бўлади. Зеро, гектарларда ғўза тупларининг ортиқча қалин бўлиши ҳам, кўчатнинг сийрак бўлиши ҳам ҳосилдорлик пасайишига олиб келади.**

# ҒЎЗА ПАРВАРИШИДАГИ БУГУНГИ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР

Шу кунларда аксарият фермер хўжаликлари майдонларида текис ниҳоллар ҳосил қилишди. Кейинги кунлардаги қулай об-ҳаво шароити ғўзанинг жадал ривожланишини таъминлади. Кўпчилик фермер хўжаликлари майдонларида ўсимликларда 2-3 ва 3-4 тадан чинбарг пайдо бўляпти.

Яна бир муҳим тадбир — ишловни вақтида ўтказишдир. Фан ва амалиётда исботланганки, тупроқнинг устки қатлами сифатли юмшатилса, ерда нам яхши сақланади. Бу суғоришлар оралиғидаги даврни 4-5 кунга узайтириш, вегетация вақтида эса ғўзанинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосил тўплашини бузмаган ҳолда суғоришни бир мартага камайтириш имконини беради. Шуни унутмаслик керакки, ғўзага ишлов берилганда майда кесакли далада йирик кесакли пайкалга қараганда намнинг буғланиши 25-35 фоиз кам бўлади.

Культиваторларни ишлатганда сифатли ишлов беришни таъминлаш ва тупроқда намни мумкин қадар кўпроқ сақлаш учун қуйидагиларга амал қилишни маслаҳат берамиз: тупроқ етилиши билан культивация ўтказилса, унинг майинлиги сақланиб қолади.

Ўсимликнинг тупроқдаги ўзига керакли макро ва микроэлементларни ўзлаштириши, фотосинтез жараёнлари сув орқали кечади. Тажрибали сувчилар ғўза барглари тўқ яшил тусга киришига қараб суғоришни бошлайдилар. Илмий-тадқиқот институтлари тавсиялари билан иш юритганда, ғўзани суғориш вақти тупроқнинг намлик даражасига қараб аниқланади. Ўртача тупроқ намлиги дала нам сиғимига нисбатан 65 фоиз, гуллашдан пишгунча 70-75 фоиз, пишиш даврида 60-65 фоиз бўлганда суғорилади.

Ғўзанинг суғориш режимини бошқаришда ўсимлик ривожининг ҳар хил даврида турлича сув сарфлаш ва ўсиш муҳити (тупроқ шароити, ҳавонинг иссиқлик ҳарорати, намлиги ва бошқалар) қатъий ҳисобга олинади. Бир гектардаги ғўза 1-2 чинбарг чиқарган даврда бир кеча-кундузда 10-12 кубометр, шоналаш даврида 30-50 кубометр, гуллаш ва ҳосил тугиш даврида 80-90, ҳатто 100-120 кубометр, кўсакларнинг очилиш пайтида эса ўртача 30-40 кубометр сувни буғлатади. Суғориладиган ҳар бир майдонда суғориш муддатлари ва меъёрларини ҳудуднинг сув билан таъминланганлиги, тупроқ хусусиятлари ва сизот сувлари чуқурлигини қатъий ҳисобга олиб белгилаш керак.

Бегона ўтлардан тоза бўлган далаларда ғўза яхши ўсиб, жадал ривожланади. Бегона ўтларни ғўза ривожининг дастлабки даврида йўқотиш ниҳоллар ўсишини тезлаштиради ва ҳосилнинг мўл бўлишига хизмат қилади. Далаларни бегона ўтлардан тозалаш назорат остига олиниши зарур. Агротехник тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли ўтказилиши ҳосилдорликни ошириш билан бир қаторда хомашёнинг сифати юқори бўлишини таъминлайди.

**Ренат НАЗАРОВ,**
**қишлоқ хўжалик фанлари доктори.**

Бухоро Вилояти

Бухоро вилоятидаги «Иброҳим Тўқли» фермер хўжалиги раҳбари, қишлоқ хўжалиги соҳаси илмини етарли даражада эгаллаган деҳқон — Иброҳим Тўқлиев билан ҳар сафар учрашганимизда ундан деҳқончиликка оид янги сўз, янги ибора эшитамиз. Яқинда у киши билан ердан самарали фойдаланиш мавзусида суҳбатда бўлдик. Бу гал ундан «Ернинг парчаси ҳам ер» деган янги ибора эшитдик.

# ЕРНИНГ ПАРЧАСИ ҲАМ ЕР

*Дала чети ҳам даромаддан четда эмас*

— Ноннинг увоғи ҳам нон, темирнинг парчаси ҳам темир бўлгач, ернинг парчаси ҳам ер ҳисобланиши керак-да, — дейди Иброҳим ака. — Шундай бўлгач, ўз хўжалигида юксак деҳқончилик маданиятини жорий этишни ният қилган асл деҳқон ернинг ҳар парчасидан самарали фойдаланиши, ундан ризқ ундириши, даромад топа билиши керак. Айнан шу жиҳат соҳа ходимлари ўртасида тез-тез қулоққа чалинадиган деҳқончилик маданиятининг бир кўринишидир.

— Оддийгина мисол, — дея сўзини давом эттиради у. — Масалан, хўжалик ихтиёрида 10 та контурдан иборат 50 гектар пахта экиладиган ер майдони бор. Шу далаларнинг 4 томони чел, ариқ, захкаш билан ўралган. Ерга чигит қадалгандан сўнг ҳар бир экин ери ва унинг чегараси оралиғида узунлиги даланинг бўйига, эни эса камида 1-1,5 метр келадиган майдон қолади. Бу майдоннинг ҳажмини битта дала мисолида ҳисобласак, нари-бери 50 сотихни ташкил этади. Ўнта далада эса нақд 2,5 гектар эътибордан четда қолаётган ер пайдо бўлади.

Биз хўжалигимиз аъзолари билан дала четларида қоладиган ана шу майдонга ҳар йили қовун, тарвуз, ловия, мош, қовоқ, маккажўхори каби агротехникаси ғўза парваришига тўғри келадиган қўшимча қишлоқ хўжалиги экинлари экамиз ва улардан салмоқли ҳосил оламиз.

Келинг, энди бу тадбирнинг сарф-харажатию даромадларини, фойдали жиҳатларини бир чамалаб кўрайлик.

Биз чигит экиш якунланган куниёқ дала четидаги ғўза қатор орасига тенг келадиган, параллел кўринишда жўяк оламиз ва ернинг нами кўтарилмасдан туриб, жўяк устига юқорида айтилган экинларнинг уруғини қадаймиз. Экилган чигит ҳам, қўшимча экин ҳам бир вақтда униб чиқади. Ғўзани бегона ўтдан тозалаш, яганалаш, суғориш даврида бу экинлар ҳам деҳқонларимизнинг эътиборидан четда қолмайди. Чопиқ тракторининг чеккадаги ишчи органи эса ғўзага ишлов бериш, озиқлантириш жараёнида шу жўяк орасидан бемалол ўтади, унга ишлов ва ўғит беради. Зарурат туғилганда ер четидаги бу экинларни жўяк орқали алоҳида суғориш ҳам мумкин. Шу усулда экин экиш, хўжалик аъзоларидан бироз ортиқча меҳнат қилишнигина талаб этади, холос. Харажат эса деярли йўқ. Қолаверса, қўшимча экинларни парваришлаш вақтида дала четлари бегона ўтдан тозаланади.

Тўғри, қўшимча экинлар даромадининг ҳаммасини пулга чақиб кўрганим йўқ. Аммо улардан олинган ҳосил хўжалик аъзоларини, мавсумий ишловчиларни, ҳашарчиларни иссиқ овқат, маошдан ташқари рағбатлантириш, ҳатто ортиқчасини бозорда сотиш имкониятини ҳам беради.

**Ҳамроз АЛИ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Жиззах Вилояти

# ОЗГИНАДАН СОЗГИНА ДАРОМАД

**Бахмал туманидаги "Нурдинар" фермер хўжалиги раҳбари, "Шуҳрат" медали соҳиби Рустам Норқулов деҳқончиликда бой тажриба ва билимга эга киши. Шу боис, унга кўплаб боғбон, соҳибкор ва сабзавоткорлар тез-тез мурожаат этиб, маслаҳат сўраб туришади. Рустамжон эса уларга билганларини сидқидилдан ўргатади, йўл-йўриқ кўрсатади.**



Фермер хўжалик аъзолари ҳар йили ғаллазор уватларига турли полиз экинлари экиб ҳам яхшигина даромад олади. Дала шийпони атрофида етиштирилган сабзи, пиёз, картошка ва бошқа маҳсулотлар эса хўжалик аъзолари оилалари учун бутун қишга етиб, ортади. Ғалла ўрим-йиғимидан кейинги оралиқ экинларидан ҳам мўл ҳосил олинади. Хуллас, фермернинг ери озгина-ю, даромади созгина бўлаётир.

– Тумандаги аксарият ер майдонлари тоғу тошлардан иборат бўлса-да, ҳар қарич ердан унумли фойдаланилса, деҳқончилик маданиятига риоя этилса, кўзланган ҳосилни олиш мумкин, – дейди Рустам Норқулов. – Мана, масалан, бизнинг хўжалигимизни олайлик. Атиги 15 гектар майдонда ғалла етиштирамиз. Бундан 16 йил бурун турмуш ўртоғим Зирахол ва фарзандларим билан маслаҳатлашиб, шу ерни олганимизда, ҳар гектаридан 18 центнердан дон ўриб-йиғиб олинган эди. Бултур эса 60 центнердан хирмон чошладик. Бу 90 тонна сара дон бўлди. Ана шу ҳосилнинг ярмини эл хирмонига топшириб, ярмини ўзимизда қолдирдик. Олдинги йилларда ҳам худди шундай манфаатдорликка эришиб келганмиз.

Бу йил фермер ҳар гектар ғаллазордан 80 центнердан ҳосил олишни чўтлаб турибди. Айни пайтда ғалла мум пишиш даврига кириб, бошоқлар тобора тўлишмоқда. Тўғри, ушбу тоғли шароитда ғалла экини бошқа туманлардагига нисбатан кечроқ ўрилади. Лекин шунга қарамай, хўжалик аъзолари ўрим-йиғимга ҳам пухта тайёргарлик кўриб қўйишди.

**Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

**Давлат-тижорат Халқ банки — мамлакатимизнинг энг йирик банкларидан бири. Мазкур муассасада иқтисодий соҳада олиб борилаётган кенг кўламли тадбирлар билан бир қаторда маънавий-маърифий, мафкуравий соҳада ҳам самарали ишлар амалга оширилмоқда. Банк ходимларининг бугунги кунда юртимизда олиб борилаётган барча соҳадаги ислоҳотлар, дунёда рўй бераётган воқеа-ҳодисалардан бохабарлигини таъминлаш, уларнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, ҳуқуқий билимларини ошириш мақсадида мунтазам равишда долзарб мавзуларда учрашув, давра суҳбатлари, очиқ мулоқотлар ўтказиб борилмоқда.**

# ОСОЙИШТАЛИК — БЕБАҲО БОЙЛИГИМИЗ

Яқинда банк марказий аппаратида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан ОАВ ходимларига берган интервьюси мазмун-моҳиятини тушунтириш мақсадида ўтказилган "Тинчлик ва осойишталик — барча ютуқ ва марраларимизнинг асосидир" мавзуидаги маънавий-маърифий, ижтимоий-сиёсий тадбир шулар жумласидан.

Мулоқот иштирокчилари мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов ўз интервьюларида мамлакатимиз мустақил тараққиёт йўлида қандай улкан ютуқ ва марраларга эришган бўлса, буларнинг барчасининг негизи — юртимизда тинч ва осуда ҳаёт, миллатлар ва фуқаролараро тотувлик, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатликни асраб-авайлаб келинаётганлигида эканлигини алоҳида таъкидлаганлиги, бинобарин, ҳар бир юртдошимиз, у қайси соҳада фаолият юритишидан қатъий назар, Ўзбекистонимиздаги тинчлик, осойишталикдек бебаҳо неъматнинг қадрига етиб, бунёдкорлик ишларида ўз муносиб ҳиссасини қўшиши лозимлиги ҳақида атрофлича фикр юритдилар.

— Давра суҳбати иштирокчиларда чуқур таассурот қолдирди. Бундай тадбирлар молия муассасалари ходимларининг билим ва салоҳиятини, маънавий дунёқарашини оширади, дунёда, юртимизда юз бераётган сиёсий жараёнларга дахлдорлигини таъминлайди, бу эса мижозлар билан мулоқотлар, уларга берилаётган соҳага тааллуқли маслаҳатларда ўзининг самарасини кўрсатади, — дейди Давлат-тижорат Халқ банки марказий аппарати бўлим бошлиғи Феруза Сайдаматова.

**МУХБИРИМИЗ**

# КУНГАБОҚАР ЁҒИ ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛМОҚДА

**(Боши 1-саҳифада)**

Мутахассисларнинг фикрича, мамлакатимизнинг кунгабоқар етиштириш салоҳияти анча юқори. Жорий йилда кунгабоқар етиштириш учун 40 минг гектар ер ажратилган бўлиб, шунинг 35 минг гектари уюшма корхоналари учун хомашё етказиб беришга мўлжалланган. Юртимиз иқлим шароитига мос соя, махсар ва бошқа мойли ўсимликлар етиштириш ҳам истиқболли йўналишлардандир. 2013 йилда ушбу экинлар учун 65 минг гектар ер ажратилди. Бу борада ёғ-мой корхоналари учун 90 минг тонна хомашё тайёрлаш режалаштирилмоқда. Уларни қайта ишлаш натижасида 25 минг тоннадан ортиқ кунгабоқар, соя ва махсар ёғи олиш кутилмоқда.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, жорий йилда Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида мойли экинлардан мўл ҳосил олиш режалаштирилмоқда. 2013 йилнинг биринчи чораги якунларига кўра, ёғ-мой саноати корхоналари 1395 фермер хўжалиги билан хомашё етказиб бериш бўйича шартномалар тузган.

Бугунги кунда кунгабоқар уруғининг катта қисми «Тошкент ёғ-мой комбинати», «Когон ёғ экстракция», «Учқўрғон ёғ», «East Oil», «OR Golden oil» очиқ акциядорлик жамиятлари ва бошқа корхоналарда қайта ишланмоқда.

Мазали ва биологик фаол ҳамда шифобахш хусусиятларга эга тарвуз, қовун, узум, қовоқ, помидор, кунжут, рапса, олхўри, ўрик, шафтоли данаги каби ноанъанавий турдаги хомашёдан ёғ олиш технологияси ҳам ёғ-мой саноати корхоналари учун муҳим йўналиш ҳисобланади. Янги турдаги маҳсулотларни ўзлаштириш тармоқда давом этаётган ишлаб чиқаришни илғор халқаро тажриба асосида модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, унга замонавий, юқори самарали инновация технологияларини жорий этиш дастурини амалга ошириш билан боғлиқ.

Ёғ-мой саноатига мамлакатимиз ва хориж инвестицияларини жалб қилиш, ўзбекистонлик олимлар ва илмий-тадқиқот институтларининг инновация ғоялари, технология ҳамда лойиҳаларини амалга ошириш учун шартномалар тузиш ишлари, шунингдек, халқаро сифат стандартларининг жорий этилаётгани соҳани ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Масалан, сўнгги йилларда Ўзбекистон озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси Тошкент техника университети, Тошкент кимё-технология институти, Фанлар академиясининг Ўсимлик моддалари кимёси институти билан яқин ҳамкорлик қилмоқда. Айни пайтда ёғ-мой саноати корхоналари бу борада олтита шартномани амалга ошириш устида иш олиб бораётир.

Тармоқнинг 26 корхонасида халқаро сифат стандартлари қўлланилмоқда. Улар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар ISO 9001 халқаро стандартига мос келади. 2014 йилда ушбу стандартларни ёғ-мой саноатининг барча корхонасида жорий этиш режалаштирилмоқда. Бундай чоралар ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини ошириш билан бир қаторда олий навли ёғ ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, аҳолининг овқатга ишлатиладиган ҳидсиз, қадоқланган ёғ маҳсулотларига бўлган талабини тўлиқ таъминлаш имконини бермоқда.



Ёғ-мой саноати корхоналарини техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга йўналтириладиган 6,44 миллион доллар миқдоридаги инвестициялар ҳам уларда ишлаб чиқариш унумдорлигини оширишга кўмаклашади. «Тошкент ёғ-мой комбинати» очиқ акциядорлик жамиятида ёғларни қайта ишлашни ўзлаштириш, «Урганч ёғ» очиқ акциядорлик жамияти ва «Интеграл инвест» масъулияти чекланган жамиятида дистилланган глицерин ва жиркислота ишлаб чиқариш 2013 йилги лойиҳалардандир.

Инвестиция дастури бўйича лойиҳаларнинг амалга оширилиши шу йилнинг охиригача ўсимлик мойи ишлаб чиқариш ҳажмини 267,64 минг тоннага етказиш, бинобарин, мамлакатимиз аҳолисини юқори сифатли ва арзон маҳсулотлар билан таъминлашга хизмат қилади.

**М.МАМЕТОВА,**
**ЎзА мухбири.**

Қашқадарё Вилояти

# ПИЛЛАЧИЛИК РИВОЖИДАГИ ДАДИЛ ОДИМЛАР

Қарши шаҳридаги «Спиктером кокон» қўшма корхонасида ипак қурти парвариши хориж технологияси асосида олиб борилмоқда.



— Зиммамиздаги масъулият ғоят катта, — дейди корхона раҳбари Дониёр Сатторов. — Биз асосан фермер хўжаликлари билан ҳамкорликда ишлаб, бу ерда ташкил этилган “Радион силк” Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонасига пилла етказиб берамиз. Қарши, Косон, Касби, Чироқчи, Қамаши туманларидан “кумуш тола”ни қабул қилиб оламиз. Дастлаб Қарши тумани пиллачилари ҳосилни топширишга киришди. Тарозига қўйилаётган хомашё сифати аъло даражада.

“Бешкент пахта тозалаш” ОАЖ қошида қўшимча тармоқ сифатида парваришланган ипак қурти кутилганидан ҳам кўп ҳосил берди. 70 қути қурт уруғидан 4 тонна 200 килограмм қимматбаҳо саноат хомашёси топширишга аҳд қилган жамоа дастлабки куни 500 килограмм пилла топширди.

— Биз бундай олий навдаги ҳосилни пиллачилигимиз тарихида биринчи марта қабул қилиб оляпмиз, — дейди лаборант Роҳила Файзиева. — Бу хориж технологиясининг натижаси. Қурт очиришдан то уни парваришлашгача бўлган жараёндаги агротехник тадбирларнинг изчиллик билан амалга оширилганлиги самараси деб биламиз.

Шу куни тумандаги “Убайдулла бобо” фермер хўжалиги 5 қути қурт уруғидан 300 килограмм, “Қаршиев Жўра” фермер хўжалиги эса 8,5 қути қурт уруғидан 500 килограмм пилла топширишга эришди.

— Биз тумандаги Кўчкак маҳалла фуқаролар йиғиниданмиз. 14 йилдан буён ўз ихтиёримиз билан пилла қуртини парваришлаб келяпмиз, — дея суҳбатга қўшилди илғор пиллачилардан бири Одил Қобилов. — Бу йил пиллачилик учун қулай келди. Парваришни кўнгилдагидек ташкил этганлигимиз туфайли пилла тез ўради. 1,5 қути ипак қуртидан 90 килограмм ҳосил топширдик.

Айниқса, бу ерда қўшма корхона ташкил этилганлигидан бошимиз осмонга етди. Энди етиштирган ҳосилимиз шу ернинг ўзида қайта ишланиб, буюртмачиларга етказиб берилади.

Туман пиллачилари бу йил давлатга 337 тонна пилла сотади. 5580 қути ипак қуртининг ҳар биридан ўртача 60 килограммдан ҳосил олиш кўзда тутилган. Айни пайтда 573 та фермер хўжалигида пилладан мўл ҳосил етиштирилди. Дастлабки кунда туман пиллачилари 2 тонна 801 килограмм қимматбаҳо саноат хомашёсини топширдилар.

Бу ердаги “Радион силк” Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонасида ҳам замонавий ускуналарни ўрнатиш ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Саралаш, йигирув, қайта ўраш билан пиллани ипак ҳолатга келтирувчи цехларда иш қизғин боряпти. Бу жараёнларда хорижликлар билан бирга маҳаллий мутахассислар ҳам фаол иштирок этмоқдалар.

